


БМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН



Ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик



**UNDP
UNFPA
UNICEF
WHO
UNESCO
UNODC
UNAIDS**

БМТ ва Ўзбекистон:

ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик

Тошкент 2007

Ушбу нашр БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тайёрланди

Гуруҳ, раҳбари: Нигина Бойқобулова (БМТ)

Муҳаррирлар гуруҳи: Наргиза Жўрабоева (БМТ), Азиза Аскарова (БМТРД), Максим Фазлитдинов (UNFPA), Бобур Турдиев (ЮНИСЕФ), Зокир Хўжаев (ЖССТ), Комилжон Каримов (ЮНЕСКО), Галина Фомаиди (ЮНОДК), Азиз Худобердиев (ЮНЭЙДС)

Дизайн: Сергей Абатуров

Суратлар: Муаллифлар рўйхатини 72-бетда қаранг

© БМТ ваколатхонаси, Тошкент шаҳри, 2007 йил



Ўзбекистон Бирлашган Миллат Ташкилотига 1992 йили янги суверен, мустақил давлат сифатида аъзо бўлди. Бир йилдан сўнг Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Айни пайтда Ўзбекистонда БМТнинг еттига дастури, жамғармаси ва агентлиги - БМТ Ривожланиш дастури (БМТРД), БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТ Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНОДК) ва БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНЭЙДС) фаолият кўрсатмоқда. БМТ тизими-нинг Ўзбекистондаги ташкилотлари биргалиқда ишламоқда ва ўз саъй-ҳаракатларини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашга қаратмоқда.





С Ў З Б О Ш И

БМТнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган агентликлари томонидан ҳамкорликда тайёрланган ушбу нашрни тақдим этишдан мамнунман.

Мазкур нашр БМТнинг мамлакат тараққиётига ва Мингийиллик ривожланиш мақсадларига эришиши борасида кўрсатаётган ёрдамига оид қисқача шархни ўз ичига олган. Бу ерда келтирилган маълумотлар БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари гурӯҳи ривожланишнинг деярли барча жабҳаларига жалб қилингани ва шу тариқа мамлакат аҳолиси фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшаётганининг яна бир тасдиғидир.

БМТнинг ушбу нашрда номлари қайд этилган агентликлари аҳоли турмуш даражаси ва кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини янада ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Ўзбекистондаги ноёб маданий меросни асраб-авайлаш билан боғлиқ кенг кўламли масалаларни қамраб олган дастурларнинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Бу борадаги ишлар кўплаб ҳамкорлар, жумладан ҳукумат, вазириклар, донор ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, илмий муассасалар ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Мазкур нашр БМТ агентликлари Ўзбекистонда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилдаги вазифаларни бажаришга кўшаётган ҳиссаси ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Ижтимоий ривожланишга оид масалалар БМТ ташкил этилганидан бўён унинг доимий эътиборида. Ташкилотимиз неча йиллардан бери замирида инсон эҳтиёж ва манфаатлари ўз тажассумини топган ривожланишни тарғиб қилиб келмоқда ва мамлакатларга инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида янги чўққиларни забт этишда фаол ёрдам бериб келмоқда.

БМТ маслаҳат бериш ва техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали Ўзбекистон ҳукуматига иқтисодий ўсиш суръати ва амалий ижтимоий сиёсатни уйғунлаштириш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга оид миллий тизим самарадорлигини янада оширишда кўмаклашмоқда. БМТ агентликлари ўз соҳалари бўйича фаолият кўрсатар экан, Ўзбекистон аҳолисининг ҳимояга муҳтоҷ қатламлари - болалар, хотин-қизлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, қарияларнинг соғлиқни сақлаш ва таълимга оид хизматлардан фойдаланишини, иш билан бандлигини кенгайтириш ҳамда уларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фикрет Акчурा,
БМТнинг Ўзбекистондаги
доимий раҳбари

MILLENNIUM DEVELOPMENT GOALS IN UZBEKISTAN

ЦЕЛИ
ТЫСЯЧЕЛЕТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

O'zbekistonda
Rivojlanish M

Improve Living Standards and Reduce Malnutrition
Сокращение малообеспеченности и недостаточного питания
Kam ta'minlanganlikni va qoniqarsiz ozig'lanishni qisqartirish

Improve Quality of Education
Повышение качества образования
Kachestvo obrazovaniya i nauchno-tekhnicheskoy vyschey shkoly

Promote Gender Equality and Empower Women
Повышение равенства женщин и мужчин и расширение прав и возможностей женщин
Ayollar va erkalardar tashqarisini raxbatlashish uchun o'qollarning xalqiq va i'mkoniyatlarini kengaytirish

Reduce Child Mortality
Снижение смертности детей
Bolalar o'llimini qisqartirish

Improve Health
Улучшение здоровья
Onalar shaharini qisqartirish
Combat HIV/AIDS
Борьба с ВИЧ/СПИДом
Borbya s VICH/SPIDom

Ensure Sustainable Development
Несколько развитие
Sustainable development
Tashqarisiga qo'shilish
Partnership for Development
Moshavonning global'niy qurashidida global'niy moshavoni





ЖАҲОН
РИВОЖЛАНИШ
ТАЖРИБАСИ

БМТРД

БМТ Ривожланиш дастури (БМТРД) Ўзбекистонда кучли бозор иқтисодиёти ва демократияга асосланган жамият барпо этиш борасида мамлакатни кўллаб-куватлаш мақсадида 1993 йилнинг январ ойида Тошкентда ўз ваколатхонасини очди.

БМТ Ривожланиш дастури амалга ошираётган ишлар одамлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда, уларга билим олиш, амалий тажриба ва барқарор ривожланиш учун зарур ресурслардан фойдаланиш имкониятларини тақдим этишда кўмаклашмоқда. БМТРД глобал ривожланиш тармоғидан фойдаланган ҳолда, ҳаётбахш ўзгаришлар тарафдори эканини намоён этмоқда ва 166 мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатларга глобал ҳамда миллий ривожланишга доир муаммоларни ҳал этишда тегишли қарорлар ишлаб чиқишда кўмаклашмоқда. Бу фаолият маҳаллий имкониятларни ошириш, миллий институтларни мустаҳкамлаш ва барча даражада узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга қаратилган.



БМТ Ривожланиш дастури Ўзбекистонда амалга оширган ўн тўрт йиллик фаолияти давомида мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожланишиш суръатларини янада оширишда амалий ёрдам берди. Ташилот Ўзбекистон ҳукумати, фуқаролик жамиятия институтлари ва халқига ўтиш даври кийинчиликларини енгиб ўтишда имкон қадар кўмаклашмоқда. Шу билан биргя, БМТ давлат ва жамоат ташкилотларига иқтисодий ҳамда демократик ислоҳотларни муваффакиятли амалга ошириш борасидаги зарур билимларга эга бўлиш, тажриба ортириш ва ресурсларни ўзлаштириш, Ўзбекистон халқи учун муносаби келажакни таъминлашда ёрдам бермоқда.

БМТ Ривожланиш дастурининг 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонга оид дастури биринчи навбатда, иқтисодий ривожланиш, демократик бошқарув, атроф-муҳит ва энергия каби соҳаларда амалий ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.



Иқтисодий ривожланиш

Жаҳон ҳамжамияти Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида инсон ривожланишининг кўплаб масалалари, жумладан, 2015 йилгача қашшоқликда яшаётган одамлар сонини икки баравар қисқартириш масаласини ҳал этмоқда. Ривожланётган мамлакатлар аҳоли турмуш даражасини ошириш учун маҳаллий эҳтиёж ва устувор вазифаларга асосланган ўз стратегиясини ишлаб чиқмоқда.

БМТРД ушбу миллий стратегияларни кўллаб-куvvatлар экан, одамларнинг ишлаб чиқариш активлари ва иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш кўламини кенгайтирган ҳолда, мамлакатларга бу стратегиялар са-марадорлигини оширишда ёрдам бермоқда. Мазкур мамлакатларнинг қашшоқликка барҳам беришга оид дастурларини уларнинг ҳалқаро иқтисодий ҳамда молиявий сиёсати билан мувофиқлаштирумокда.

БМТ Ривожланиш дастури Ўзбекистонда ўз фаолиятини иқтисодий ислоҳотларнинг асосий жабҳаларида стратегиялар ишлаб чиқиш ва миллий салоҳиятни юксалтириш, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини оши-

риш соҳасида ташаббусларни шакллантириш ва амалга ошириш учун барқарор институтларни ташкил этиш борасида маслаҳат хизматини кўрсатиш орқали иқтисодий ривожланиш ҳамда турмуш даражасини оширишга қаратган.





БМТРД

Шунингдек, БМТ Ривожланиш дастури Ўзбекистон ҳукуматига соҳаларо стратегияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда ўз салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳам ёрдам бермоқда. Бундан ташқари ташкилот ривожланишнинг минтақавий ва маҳаллий стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадида минтақавий даражада кўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

БМТРД фуқаролик жамияти ташкилотлари ва хусусий сектор билан турмуш даражасини ошириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича мақсадли тажриба дастурларини амалга ошириш учун маҳаллий даражада ҳамкорликни мустаҳкамлашни изчил давом эттироқда. Кам таъминланган қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган ушбу хизматлар микромолиялаш, бизнес соҳасида маслаҳат бериси ва маҳаллий ҳамжамиятларни ривожлантиришни ҳам ўз ичига олган. Шу билан бирга, ушбу намунавий дастурлар маҳаллий ташаббусларни кўллаб-куватлаш ва уларнинг кўламини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, тажриба алмашишда ёрдам беради ва маҳаллий тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантиради.






Самарави бошқарув

Турмуш даражасини барқарор юксалтириш учун давлат бошқарувида тегишли ислоҳотлар амалга оширилиши зарур. БМТнинг Мингийлилек декларациясида самарави бошқарув нафақат мақсад, балки инсон ривожланиши, қашшоқликка барҳам бериш ва тинчликини сақлашнинг асосий омили экани борасида халқаро ҳамжамият яқдил эканлиги ўз аксини топган.

БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистонда самарави бошқарувни ташкил этишда кўмаклашишга оид вазифаси кенг кўламли ишларни амалга оширишини ўз ичига олган. Бу Ўзбекистон миллый институтлари фаолияти самарадорлиги, ҳисобдорлиги ва ошкоралигини ошириш мақсадида уларнинг салоҳиятини ривожлантиришга, ушбу масалалар бўйича стратегиялар ишлаб чикишда ёрдам бериш ҳамда маслаҳат бериш, шунингдек, ахолининг давлат, ижтимоий ҳамда хукуқий хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришдан иборатdir.





БМТРД

БМТРД давлат бошқаруви тизимиға электрон бошқаруви интеграциялаштириш ва жорий этиш тажрибаси билан ўртоқлашиб, ахборот ҳамда коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида давлат хизматчиларини тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

БМТ Ривожланиш дастури инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро принциплар мұхимлигини англаб етиш, ахолининг одил судлов хизматларидан фойдаланишини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Ташкилот фаолияти ахолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидағи миллий қонунчилик ва халқаро мөъёлардан кенгрок ҳабардор бўлишини таъминлаш, шунингдек, айниқса, ахолининг ҳимояга муҳтож турӯхларига кўрсатиладиган ҳуқуқий хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида мутахассислар салоҳиятини юксалтиришга қаратилган. Бундан ташқари БМТРД Ўзбекистонда қонунчилик базасини такомиллаштиришга ёрдам бермокда.





БМТРЛ



Ўзбекистонда аҳоли сонининг тез ўсиши ва иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши билан бир қаторда мамлакатнинг географик жойлашуви ва иқлими уни экологик муаммолар, айниқса, нозик экотизимларга етказиляётган зарар ҳамда ичимлик суви манбаларидан фойдаланишининг чекланганлиги билан боғлиқ муаммоларга дуч қилмоқда. Иқтисодий ўсиш эҳтиёжлари ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш уларнинг инқирозга учрашининг олдини олиш борасида муҳим омил ҳисобланади.

Атроф-муҳит ва энергия





БМТ Ривожланиш дастурининг атроф-муҳит ва энергия соҳасида ҳалқаро дононорлар билан яқин ҳамкорликда амалга ошираётган фаолияти Ўзбекистоннинг табиий ресурсларни бошқариш ҳамда атроф-муҳитни химоя қилишга масъул маҳаллий ҳамжамиятлари ва миллий институтларига ушбу масалаларда ўз билим ва кўникмаларини такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлашда ёрдам бермоқда. Чунончи, БМТРД биохилма-хилликни сақлаб қолиш борасидаги самараали ёндашувларни оммалаштириш, ер ресурсларини барқарор бошқаришга эришиш, энергиянинг қайта тикланадиган манбалари ҳақида кўпроқ хабардор бўлиш, энергия таъминотининг нархи бўйича маъқул келадиган хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида энергиянинг қайта тикланадиган манбалари технологияларини синаб кўриш, шунингдек, иклим ўзгариши оқибатларини енгиллаштириш учун масъул маҳаллий ташкилотлар салоҳиятини оширишда ёрдам бермоқда.





БМТРЛ

Мингийиллик ривожланиш мақсадлари

Мингийиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) БМТнинг Ўзбекистонда ривожланишга кўмаклашишга қаратилган фаолиятида асосий ўрин тутади. БМТРДнинг жойларидағи бўйимлари тармоғи ушбу мақсадларга эришиш учун глобал ва миллий сайды-харакатларни бирлаштириб ҳамда мувофиқлаштириб боради. БМТнинг Мингийиллик ривожланиш мақсадлари бўйича мувофиқлаштирувчиси хисобланган Ривожланиш дастури бундан буён ҳам МРМни тарғиб қилиш ва мамлакатда уларнинг амалга оширилиши мониторинги масалаларида ҳукуматга кўмаклашиш борасида ўззиммасига юклangan вазифаларни бажаришни изчил давом эттиради.

Ушбу комплекс ёндашув БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистонга техник кўмаклашиш борасида барча соҳаларда МРМ ўз аксини топишини таъминлайди.



Инсон ривожланиши

Юқорида қайд этилган учта соҳада барқарор натижаларга эришиш Ўзбекистонда инсон ривожланиши жараёнларини жадаллаштиришда ёрдам беради. БМТРД мамлакатда инсон ривожланиши концепциясини қўллаб-куватловчи асосий ташкилот хисобланади. Барча даражада кенг муҳокама қилиш мақсадида БМТ Ривожланиш дастурининг буюртмасига кўра ҳар йили тайёрланадиган Инсон ривожланишига оид маъруза глобал ва миллий ривожланишнинг энг муҳим муаммоларини янада чукурроқ англаб этишда ёрдам беради. Маъруза ривожланиш жараёнларини баҳолашнинг янги воситалари, инновацион таҳлил ва турли стратегия моделларини таклиф этади. Ушбу глобал хисоботнинг таҳлилий тузилмаси ва комплекс ёндашувидан БМТРД кўмагида инсон ривожланиши тўғрисида тайёрланадиган минтақавий, миллий ва маҳаллий маърузаларда ҳам фойдаланилмоқда.

2006 йилги Инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маъруза Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва саломатлик масалалари, 2007 йилги маъруза эса таълим соҳасига бағишлиланган. Бу мавзулар биргаликда инсон ривожланиши моҳиятини акс эттиради. Ҳар икки маъруза Ижтимоий ҳимоя йилида алоҳида эътибор қаратилайётган ушбу соҳалардаги ишлар ахволини мустақил кўриб чиқишини таклиф этади ва шу боис тегишли тузилма ҳамда идоралар ишида катта фойда бериши мумкин.



Хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлаш дастурлари

Гендер масалаларини БМТ Ривожланиш дастурининг ривожланиш соҳасида барча турдаги тадбирларига киритиш эркаклар ва хотин-қизларнинг БМТРД фаолиятида самарали иштирок этишдан тенг фойдаланишини таъминлайди. Хотин-қизлар хукуқ ва имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган мақсадли чоралар маҳаллий имкониятларни ривожлантириши осонлаштиради ва дастурда белгиланган соҳалардаги ривожланишга оид долзарб вазифалардан яхшиrok, хабардор бўлишда кўмаклашади. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва маҳаллий нодавлат ташкилотлар салоҳиятини кучайтириш, хотин-қизлар хукуқлари бора-сида халқаро меъёrlарга риоя қилинишини таъминлаш, мамлакатда гендер масалалари бўйича янги ахборот манбаларини яратиш, гендер масаласини ишлаб чиқладиган Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясига киритиш, мамлакат миқёсида маълумотлар тўплаш ва статистик бошқарувда гендер муаммосини ҳисобга олиш шулар жумласидандир.





БМТРД

Ривожланишда ахборот ва коммуникация технологияларининг ўрни

БМТ Ривожланиш дастури ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги билимни оммалаштириш ва имкониятларни оширишда ўз тажрибасидан кенг фойдаланмоқда. Бундан кўзланган мақсад ахборот-коммуникация технологияларини кўллашни кенгайтиришни осонлаштириш, давлат тузилмалари ишида электрон бошқарувни жорий этиш ва шу тариқа уларнинг фаолиятида самарадорлик ҳамда ошкораликни таъминлашдан иборатдир. Шу мақсадда БМТРД стратегияларни ишлаб чиқиши масалалари ва АКТни ривожлантириш билан шугуллана-диган давлат муассасалари салоҳиятини кучайтириш, жумладан, электрон бошқарув элементларини жорий этишга кўмаклашиш бўйича маслаҳат беришни фаол олиб бормоқда. Бундан ташқари давлат хизматчиларини тегишили равишда ўқитиш са-марали бошқарувга қаратилган инсон салоҳиятини ривожлантиришнинг бир қисми ҳисобланади ва янги авлод мутахассислари томонидан АКТ ҳамда электрон бошқарувнинг аҳамиятини англаш даражасини оширади.

БМТ Ривожланиш дастури ОИВ/ОИТС бўйича ташкилотнинг Кўшма дастури (ЮНЭЙДС) ва бошқа агентлеклари билан ҳамкорлиқда ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олишга оид миллий дастурларнинг ижросини таъминлашда ёрдам бермоқда. Бу ёрдам ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича глобал жамғарма томонидан молияланадиган лойиҳани амалга оширишда ўз ифодасини топмоқда. Бундан ташқари ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш бўйича аҳолининг ҳимояга муҳтож гурухлари орасида касалланишни камайтиришга қаратилган мақсадли ёрдам ҳам амалга оширилмоқда.



ОИВ/ОИТС








UNFPA

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ривожланиш бўйича халқаро агентлик ҳисобланади ва ҳар бир хотин-қиз, ҳар бир эркак ва болага соғлом ҳаёт кечириш ҳамда тенг имкониятлардан фойдаланиш ҳукуқини ҳимоя қилишда ёрдам беради. UNFPA мамлакатларга қашшоқлик даражасини камайтириш, ҳоҳишга кўра ҳомиладор бўлиш, туғиши хавфсизлигини, ҳар бир йигит-қизнинг ОИВ/ОИТСдан ҳимояланганлиги, ҳар бир қиз ва аёлга хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишини таъминлашга доир сиёsat ва дастурларни ишлаб чиқиш учун аҳолишуносликка доир маълумотлардан фойдаланиш имконини беради.

Шунингдек, UNFPA аҳолишунослик ва репродуктив саломатлик бўйича дастурларни молиялашнинг йирик халқаро манбаси ҳисобланади. 1969 йилда ташкил этилган жамғарма ўз фаолияти давомида ривожланадётган мамлакатларга ёрдам тариқасида қарийб 6 миллиард АҚШ доллари берди. Бугунги кунда UNFPA дунёning 140 дан зиёд мамлакатида ҳукуматлар ва



халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда, аҳоли сонининг ўсиши, қашшоқлик даражаси ҳамда барқарор ривожланиш ўртасидаги мураккаб боғликларни ўрганишга қаратилган стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун тегишли маълумотлар билан таъминламоқда. Бундан ташқари UNFPA хотин-қизлар, эркаклар ва ёшларга куйидаги масалаларда ёрдам беришга қаратилган дастурларни ҳам қўллаб-куватлаб келмоқда:

- оиласи режалаштириш ва исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш;
- ҳомиладорлик ва туғишининг хавфсиз кечишини таъминлаш;
- жинсий алоқа орқали юқадиган инфекциялар, жумладан ОИВ/ОИТС билан заарланишининг олдини олиш;
- гендер тенглигини кенгайтириш;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши кураш.



UNFPA Ўзбекистон билан 1993 йилдан бўён ҳамкорлик қилиб келади. Ҳозир UNFРАнинг Ўзбекистондаги 2005-2009 йилларга мўлжалланган амалдаги дастури қўйидаги соҳаларни қамраб олган: хотин-қизлар, эркаклар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлик соҳасида таълим, тиббий муассасалар учун асосий ускуналарни тақдим этиш ва контрацепция воситалари турларини кўпайтиришни ўз ичига оладиган сифатли хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш; соғликини

UNFPA

сақлаш тизимида ислоҳотларни сиёсий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, репродуктив саломатлик соҳасида хизматлар сифатини ошириш мақсадида ҳукуматга стратегия масалалари бўйича маслаҳат бериш; гендер масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш; оиласвий ҳаёт асосларини ўргатишни мактаб таълими дастурига киритиш; аҳолишунослик масалаларини миллий ва минтақавий ривожланиш режаларига киритиш; аҳолишуносликка оид маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ўрганиш.



Репродуктив саломатликка доир хизматларни тақомиллаштириш

UNFPA Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан яқин ҳамкорликда мутахассисларни клиник кўнникмаларга, жумладан, туғишдан олдин парваришилаш, замонавий контрацепция услублари, касалликларнинг олдини олиш, жинсий алоқа орқали юқадиган инфекцияларга ташхис кўйиш ва даволашни ўргатишига қаратилган ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларини компьютер, репродуктив саломатлик соҳасида зарур ташхис кўйиш ускуналари ва контрацепция воситалари билан таъминлашга ҳисса кўшмоқда.

2005 йилда UNFPA Соғлиқни сақлаш вазирлигига бирламчи соғлиқни сақлаш бўйинларида жинсий алоқа орқали юқадиган инфекциялар, жумладан, ОИВ/ОИТСни кузатишнинг асосий принципларини ишлаб чиқишда ёрдам берди. Мамлакат вилоятларидан 325 нафар соғлиқни сақлаш ходими UNFPA кўмагига жинсий алоқа орқали юқадиган инфекцияларга ташхис кўйиш ва даволашга ўқитилди.

Шу билан бирга, UNFPA мамлакат ҳукумати билан репродуктив саломатлик соҳасида прогноз қилиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш бўйича бир ягона тизими ташкил этиш орқали контрацептивларни етказиб бериш борасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бу тизим контрацептивлар этишмаслигининг олдини олиш ва уларга бўлган узоқ муддатли эҳтиёжни қондириш имконини беради. Бу гунги кунда UNFPA мамлакатда замонавий контрацепция воситаларини асосий етказиб берувчи ҳисобланади.





Ўсмирларнинг репродуктив саломатлик соҳасида билимини кенгайтириш ва "тengga-teng" тамойилига ўқитиш

Ўзбекистон Репродуктив саломатлик ассоциациясининг саъй-ҳаракати билан Хоразм вилоятида ўсмирларга репродуктив саломатликнинг турли жihatлари бўйича ахборот хамда маслаҳат бериш учун "ишонч линиялари" ташкил этилди. Ушбу хизмат 2004 йилдан буён 300 нафардан ортиқ ўсмир ва йигит-қизга ёрдам берди.

Ассоциациянинг Самарқанддаги бўлими жинсий алоқа орқали юқадиган инфекциялар ва ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш бўйича маҳсус дастурни амалга ошироқда. Бу дастур доирасида қарийб 5 минг кишига ёрдам кўрсатилди.

Бугун мамлакат миқёсидаги дастур доирасида Ўзбекистон репродуктив саломатлик ассоциацияси билан ҳамкорликда "тengga-teng" тамойили асосида ўқитиш услублари бўйича 80 нафар мураббий тайёрланди. Улар, ўз навбатида, репродуктив саломатликни таъминлаш ва ОИВ/ОИТСни юқтиришнинг олдини олиш бўйича 50 минг нафардан ортиқ йигит-қизга маълумот берди.





UNFPA

2006 йилда UNFPA Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўрта мактаб ўқитувчилари учун "Соғлом турмуш асослари ва оила" деб номланган услубий кўлланмани қайта ишлаш ва такомилаштиришга оид ташаббусини қўллаб-кувватлади. Ушбу кўлланма юкори синф ўқувчиларининг репродуктив саломатликни таъминлаш ва ОИВ/ОИТСнинг олдини олишга доир билим даражасини оширишда ёрдам беради. UNFPA кўлланмани чоп этиш ва ўқитувчиларни ушбу кўлланма асосида ўқитишга ҳам кўмаклашди. UNFPA "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурини қўллаб-кувватлаш мақсадида 2007 йил учун репродуктив саломатлик масалаларига оид билимни оширадиган ана шундай қатор тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга ошироқда.





Репродуктив саломатлик ва гендер

Жамғарма БМТ Ривожланиш дастури ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорлиқда маҳаллаларнинг диний маърифат ва манавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг аҳолишунослик, ривожланиш, гендер ҳамда ёшлар соҳасига оид билим даражасини оширишга қаратилган дастурни ишлаб чиқди. Мазкур ташаббус доирасида соғлиқни сақлаш, жумладан, ёшларга нисбатан меҳр-оқибатни тарғиб этишга қаратилган хизматларни амалга жорий этиш зарурати билан боғлиқ кўплаб аҳолишунослик ва ривожланиш масалалари бўйича ўкув дастури яратилди. 2006 йил бошида мамлакатда 1400 нафардан ортиқ маҳалла маслаҳатчиси ўқитилди.



2005-2006 йилларда UNFPA Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиши ташаббусини кўллаб-куватлади. Қонуннинг биринчи лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиши учун тақдим этилди.

Бундан ташқари 2006 йилда жамғарма Наманган вилоятида Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш марказини ташкил этишга кўмаклашди. Лойиҳа доирасида 160 нафардан ортиқ ижтимоий соҳа вакили, тибиёт ходими, руҳшунос ва ўқитувчи гендер тенглиги асослари бўйича ўқитилди. Марказ турлича мураккаб ҳолатларни бошдан кечирган хотин-қизларга ижтимоий ва руҳий ёрдам бериш билан бир қаторда оила ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда уларнинг ролини оширишнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича фаол ишларни амалга оширишга кўмаклашади. Бундан ташқари марказнинг хотин-қизларга бизнесни ривожлантириш бўйича маслаҳат бериши, уларга тадбиркорлик фаолияти турларини ўргатиши ва ишга жойлашишда ёрдам бериши режалаштирилган.



UNFPA

Аҳолишунослик ва ривожланиш

2006 йилда UNFPA ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Мульти индикаторли тадқиқотни ўтказишда ёрдам берди. Ушбу тадқиқот мамлакатнинг ижтимоий соҳада ривожланишини баҳолаш учун зарур ахборотни тўплаш ва таснифлаш имконини берди.

UNFPA ўзининг асосий миллий ҳамкорлари, жумладан, Ўзбекистон Давлат статистика кўмитаси ҳамда Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг аҳолишунослик бўйича статистика маълумотларини олиш ҳамда қайта ишлаш борасида имкониятларини оширишга ёрдам бермоқда. Бу фаолият асосан ўқитишга доир тадбирларни амалга ошириш ва компьютер ускуналарини етказиб беришдан иборат.


2006 йилда жамғарма Ижтимоий-иктисодий тадқиқотлар маркази билан биргаликда тадқиқотчилар ва қарорлар қабул килувчи шахслар учун аҳолишунослик ҳамда ривожланиш кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги масалалари бўйича семинар ва давра сұхбати ўтказди.

UNFPA Ўзбекистон ҳукуматига Миллий репродуктив саломатлик стратегиясини ишлаб чиқиша кўмаклашди ва Ўзбекистонда Мингийиллик мақсадларига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботни тайёрлашга катта хисса кўшди.



Келажақдаги вазифалар

Бугунги кунда репродуктив саломатлик соҳасида сифатли хизмат кўрсатиш даражасига эришиш, зарур восита ва ускуналар етказиб беришни таъминлаш, ўсмиirlар ва ёшларнинг ахборот ҳамда хизматлардан фойдаланишини яхшилаш, жинсий алоқа орқали юқадиган ОИВ/ОИТС ва бошқа касалликлар тарқалишининг олдини олиш, гендер тенглигини кучайтириш, аҳолишунослик бўйича статистика маълумотларини тўплаш ҳамда қайта ишлашда миллий салоҳиятни ошириш каби масалалар ҳамон долзарбdir.





Хар бир болага -
саломатлик, таълим,
тeng имкониятлар ва ҳимоя
ЮКСАК ИНСОНИЙЛИК ЙўЛИДА

ЮНИСЕФ

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) дунё миқёсида ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар орасида ноёб тузилма ҳисобланади. ЮНИСЕФ болалар ва уларга ғамхўрлик қиласидаги кишилар дуч келадиган муаммоларни бартараф этишга қаратилган энг яхши инновация лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида қарорлар қабул қулиувчи шахслар ва турли ҳамкорларга таъсир этиш учун етарли нуфузга эга.

Ўзбекистонда 1994 йилдан бўён фаолият юритиб келаётган ЮНИСЕФнинг асосий вазифаси болалар ҳукуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилишдан иборатdir. ЮНИСЕФ болалар манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг соғлом туғилиши, вояга этиши ва ривожланишига ёрдам берадиган, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамда фавқулодда вазиятларда зарур бўладиган асосий восита ҳамда материалларни тақдим этишини ўз ичига оладиган дастурларни амалга ошириш орқали ёш авлоднинг ҳаётини яхшилашга қаратилган ишларда иштирок этади.



Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги болалар эҳтиёжини таъминлашда жиддий натижаларга эришди. Мульти индикаторли кластерли тадқиқотга (МИКТ-2006) мувофиқ болаларнинг 80 фоизи бир ёшга тўлгунча асосий юқумли касалликларга қарши эмлади; 84 фоиз оналар ўз фарзандини бир ёшга тўлгунча эмизадилар; шаҳар аҳолисининг 94 ва қишлоқ аҳолисининг 79 фоизи тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ва мувофиқ санитария шароитига эга бўлиш имкониятига эга.





ЮНИСЕФ

Соғлиқни сақлаш ва овқатланиш



Бу йўналиш болаларнинг Мингийиллик ривожланишнинг қатор мақсадларига мувофиқ яшashi ва ривожланишига ёрдам беришни кўзда тутади: Мингийиллик ривожланишига оид 4-мақсад - болалар ўлимини кисқартириш; Мингийиллик ривожланишига оид 6-мақсад - ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш; Мингийиллик ривожланишига оид 7-мақсад - атроф-муҳит тозалигини таъминлаш.

ЮНИСЕФнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги дастурлари ҳукуматга мамлакат миқёсида болалар ўлимини ва касалланишини камайтириш бўйича катта маблағ сарфланишини талаб қўймайдиган, бироқ юкори самарали чора-тадбирларни жорий этишга кўмаклашишга қаратилган. ЮНИСЕФ хавфсиз оналиқ соҳасида давлат сиёсатини ижобий ўзгартиришга ўз хиссасини кўшиди ва Ўзбекистон ҳукуматига чақалоқлар ва болалар яшовчанлиги бўйича янги стратегияни ишлаб чиқишида ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда болаларнинг 50 фоизи болаларга дўстона муносабатда бўлишни амалда синааб кўраётган соғлиқни сақлаш муассасаси сифатида ЮНИСЕФ сертификатини олган түғруқхона мажмуаларида дунёга келмоқда. 2007 йил охирига келиб бундай муассасалар сони 65 фоизгача кўпаяди. ЮНИСЕФ тузни ялпи йодлаш тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқишига кўмаклашди. Бу эса йод тақчиллиги сабабли юзага келадиган касалликларни барқарор камайтириш учун асос яратади. 2002 йилдан бошлаб, Ўзбекистон полиомиелитдан ҳоли мамлакат деб эълон қилинган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда болаларнинг 98 фоизи иммунизация қилиш дастури билан қамраб олинган, ҳомиладорлар ва болалар орасидаги камқонлик ҳолатлари 35 фоизга камайган (МИКТ-2006).

Ҳукумат ЮНИСЕФ фаолиятининг ушбу соҳаларига алоҳида аҳамият бериб, уларни "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурида акс эттириди.





ЮНИСЕФ



ЮНИСЕФ хукуматга таълим сифатини ошириш ва 3-12 ёшли болалар орасида улар учун кўрсатиладиган хизматларни та-комиллаштириш орқали талаб этиладиган билимга эришиш, болага дўстона муносабатда бўладиган мактаблар тармоғини ривожлантириша ёрдам бермоқда. ЮНИСЕФ ўзининг миллий ҳамкорлари билан биргаликда ота-оналар, мактаб ўқитувчилари, директорлари ва маъмурий ходимлари, шунингдек, маҳаллалар фаолларини ўқитиш орқали болалар учун мўлжалланган инклузив таълим ҳамда ўқитиши жорий этишга кўмаклашмоқда. ЮНИСЕФ ўз эътиорини куйидаги масалаларга қаратган:

- бола учун мўлжалланган ўқитиши қўллаб-қувватлаш;
- инклузив ва умумий таълимни илгари суриш;
- ноанъанавий маҳалла болалар боғчаларини ташкил этиш.

Таълим

ЮНИСЕФнинг ушбу соҳадаги дастурлари Мингийиллик ривожланишга оид 2-мақсад (ҳар бир болага билим бериш) ва Мингийиллик ривожланишга оид 3-мақсадга (ўғил-қизлар, эркак ва гўёллар учун тенг имкониятлар яратиш) мувофиқ умумий бошлангич таълим ҳамда гендер тенглигини таъминлашга йўналтирилган.





Оилавий таълим

ЮНИСЕФнинг мазкур дастури Ўзбекистоннинг ўзига хос анъанавий ижтимоий тузилмаси - маҳалла имкониятларидан фойдаланган ҳолда, болаларни гўдакликдан ривожлантиришга кўмаклашади. Маҳалла қўмитаclarлари маҳаллий ҳамжамиятларни ривожлантириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, айниқса, мактабгача тарбия хизматларини тақдим этиш учун ўз зиммасига тобора катта масъулият юкламокда. Маҳаллалардаги ташаббускор гуруҳлар ўз фаолиятини чақалоқлар ва аёлларга иммунизация хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлиша ёрдамлашиш, эмизишни рағбатлантириш ва оиласарга тарбиявий кўникмаларни такомиллаштириш орқали уларнинг яшовчанилиги ва муҳофазасини таъминлашга қаратмоқдалар.



Болаликни муҳофаза қилиш

ЮНИСЕФнинг ушбу йўналишдаги комплекс дастурлари Мингйиллик ривожланишга оид 6-мақсадга мувофиқ болаларни шафқатсиз муносабат, эксплуатация қилиш ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишга қаратилган. Чунки айниқса эксплуатация қилинадиган ва зўравонлик ишлатиладиган болалар юқумли касалликларга кўпроқ дучор бўладилар.

ЮНИСЕФ миллий ҳамкорлари билан биргаликда бола ҳукуқлари соҳасидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш ва ювенал адлияни шакллантириш тарафдори; Болалар Омбудсмани институтини таъсис этишга ёрдам бермокда; ижтимоий меҳнат тизимини ривожлантириш ва учта университетда ташкил этилган тегишли ўқув кафедралари фаолиятини кўллаб-куватламокда; оила шароитида боланинг яшаш ҳукуқига риоя қилишга ургу берган ҳолда, болаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ислоҳотларни илгари сурмоқда. ЮНИСЕФ кўмагида "Бола ҳукуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси парламентига тақдим этилади.



ЮНИСЕФ

ОИВ/ОИТС ва ёшлар

ОИВ/ОИТСга қарши кураш ва уни юқтирган болаларни парвариш қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиши ЮНИСЕФ томонидан юқумли касалликларга қарши кураш бўйича Мингийиллик ривожланышга оид б-мақсад доирасида амалга оширилмоқда.

ОИВ/ОИТС пандемияси соғлиқни сақлаш тизимида эришилган муваффақиятларга путур етказади ва бутун дунёда турмуш даражасини пасайтиради. ЮНИСЕФ "Болаларимиз хаққи-хурмати ОИТСга қарши курашда бирлашинглар!" деб номланган беш йиллик кампаниясини изчил давом эттироқда. Бу тадбирдан кўзланган мақсад ОИВ/ОИТСнинг болалар саломатлиги ва ҳаётига фалокатли таъсир кўрсатишига йўл қўймасликдан иборат бўлиб, ОИВ онадан болага ўтишининг олдини олиш, заиф тоифадаги болаларни химоя қилиш, парваришлиш ва тегишли ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, кичик ёшдаги болалар орасида профилактика ҳамда даволаш ишларини ташкил этишга қаратилган.



ЮНИСЕФ бу борада куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқда:

Энг юқори хавф (МАРА) гурухига мансуб бўлган ўсмирлар ва ёшларни "тeng-тengига" тамойили асосида ўқитиш;

Ёшларга ОИВ/ОИТСнинг олдини олишга қаратилган дўстона хизматларни кўрсатиш, касалкни юқтирганларга қураш, ёрдам бериш ва даволаш;

Соғлиқни сақлаш ходимларининг касбий маҳоратини ошириш орқали ОИВ онадан болага ўтишининг олдини олиш.

Маҳаллий режалаштиришда салоҳиятни юксалтириш

Ушбу лойиҳа вилоят ва туман даражасидаги мавжуд салоҳиятни кўллаб-кувватлади. У маҳаллий ҳокимият органлари соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳасида ўз вазифаларини янада самарали бажариши ҳамда болалик муаммоларини қандай ҳал этиши мумкинлигини режалаштиришга ёрдам берадиган қулай мухит яратиш, ресурслар жалб қилишга йўналтирилган.





ЖССТ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) БМТнинг ихтинослашган агентлиги. ЖССТнинг низомида эълон қилинган мақсади барча халқларнинг имкон қадар юқори даражали саломатликка эришишидир. ЖССТ мамлакатларга аҳоли соғлигини сақлаш масалаларини ҳал этишда ёрдам беради, дунё миқёсида турли касалликларга қарши курашишга қаратилган сайд-харалкатларни мувофиқлаштиради, соғлиқни сақлашнинг амал қилинадиган принцип ва нормаларини ишлаб чиқади, техник кўмак беради, ўқитади, бу борадаги билим ва тажрибани оммалаштиради.

ЖССТ Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлган 1993 йилдан бўён у билан фаол ҳамкорлик қилиб келади. 1995 йил Тошкентда ЖССТнинг алоқалар бюроси очилди.



ЖССТнинг Евropa миңтакавий бюросининг шиори - "Кўрсатилаётган хизматларни янги пайдо бўлаётган эҳтиёжларга мослаштириш". ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикага кўйидаги соҳаларда ёрдам кўрсатмоқда:

- юқумли касалликларга қарши курашни кучайтириш ва уларни даволашни яхшилаш;
- аҳоли саломатлигининг устувор масалаларини ҳал этишда соғлиқни сақлаш бўйича миллий тизим самарадорлигини ошириш;
- она ва бола саломатлигини яхшилаш;
- юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва даволаш;
- атроф-мухит мусаффолигини таъминлаш;
- фавқулодда ҳолатларда кўмаклашиш.



Юқумли касалликларга қарши кураш

ЖССТ мамлакатнинг касалланишни назорат қилиш ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-куватлайди. Бундан кўзланган мақсад юқумли касаллик пайдо бўлган ҳудудни аниқлаш ва унинг тарқалишининг олдини олиш ишларини яхшилашдан иборат. Бу вазифа тегишли сиёsat ва стратегияларни ишлаб чиқиш, соғлиқни саклаш тизимининг ушбу сектори имкониятларини кучайтириш орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, ЖССТ эмлаш тизимини мустаҳкамлаш ва аҳолини кенг тарқалган юқумли касалликларга қарши эмлаш билан қамраб олишни кенгайтиришда техник кўмаклашмоқда.

ЖССТ полиомиелитни бартараф этиш ва 2002 йилда Ўзбекистонни ушбу касаллиқдан ҳоли мамлакат деб эълон қилиш каби кўрсаткичларга эришишда муносиб ҳисса қўшди. Айни пайтда ташкилот ушбу макомни саклаш, мамлакатда қизамиқ ҳамда қизилча касалликларини бартараф этишда ёрдам бермоқда.

ЖССТ Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш дастурини жорий этишда салмоқли ҳисса қўшди. Бугунги кунда мамлакатнинг аксарият аҳолиси ЖССТ томонидан таклиф этилган ДОТС стратегияси доирасида даволанишнинг замонавий самарали услубларидан фойдаланиш имконига эга. Бу стратегия силга қарши кураш бўйича миллий стратегия учун асос қилиб олинган.

Ўзбекистон безгак касаллигини камайтириш дастурини амалга оширишда ЖССТнинг фаол иштироки туфайли ушбу касалликка қарши нисбатан қулай эпидемиологик вазиятни саклашга эришмоқда. ЖССТ маҳаллий мутахассисларни Россия, Буюк Британия ва Эрондаги тропик касалликлар бўйича етакчи марказларга ўқишга юбориб, ушбу соҳада ёрдам кўрсатишни давом эттирмокда.



ЖССТ

Миллий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш

Янги касалликларнинг юзага келиши ва эскиларининг авж олиши шуни кўрсатадики, бугунги кунда дунёда эпидемияга факат барча мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан чек қўйиш мумкин.

ЖССТ ўз ҳамкорлари билан биргаликда Ўзбекистонга ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олишда ёрдам бермоқда. Ташкилот ОИВ/ОИТСга оид бўлган миллий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ОИТС, сил ва беззакка карши кураш бўйича Глобал фонд томонидан молияланадиган ОИВ/ОИТС лойиҳасини амалга оширишда кўмаклашмоқда. Шу билан бирга, ЖССТ "парранда гриппи"га қарши кураш бўйича Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишида ҳам ёрдам берди.

ЖССТ янги пайдо бўлаётган эҳтиёжларни самарали қондириш мақсадида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида инсон ва институционал салоҳиятни ривожлантиришга ҳам кўмаклашмоқда. Ташкилот соғлиқни сақлаш тизими ўз фаолиятида катта самараорликка эришиши ва бу борадаги сиёсатни ишлаб чиқишида ахборотдан кенг фойдаланишга қаратилиган чора-тадбирларни кўллаб-куватламоқда. Стратегиялар, амал қилинадиган принциплар ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш орқали соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини кўрсатадиган хизматлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЖССТнинг Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича "Саломатлик барча учун" деб номланган маълумотлар базаси муваффақиятли ҳамкорлик намуналаридан бири ҳисобланади.





Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш

Миллый ижтимоий дастурлар, жумладан Ижтимоий химоя йили дастурига муваффиқ ЖССТ чақалоқлар, болалар ва ўсмиirlар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилған сиёсат, стратегиялар ҳамда ҳаракатларни ишлаб чиқыш борасида мамлакат салоҳиятини мустаҳкамлашга интилмоқда. Чунончи, эмизиш ва хавфсиз оналикни рағбатлантириш, болалар касалликларини комплекс равищда назорат қилишни жорий этиш шулар жумласидандир.



Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш

ЖССТ руҳий саломатлик бўйича Европа ҳаракат дастури ва Хельсинки Декларациясига биноан ушбу соҳадаги миллый сиёсатни ишлаб чиқишида кўмаклашмоқда. Ташкилот соғлом овқатланиш, чекиш, ичкилик ва гиёҳвандликка қарши курашни рағбатлантиришга қаратилган қатор ишларни кўллаб-куватламоқда. ЖССТ 2007 йилда ҳам Ўзбекистон аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни давом эттироқдо.



ЖССТ

Атроф-муҳит хавфсизлигига оид тадбирлар

ЖССТ озиқ-овқат хавфсизлиги миллий стратегиясини қабул қилиш ва уни амалга оширишда ёрдам бермоқда. Бу борада озиқ-овқат ва ичимлик сув хавфсизлиги билан боғлиқ вазиятни баҳолаш, овқат ҳамда сув орқали юқадиган касалликларни назорат қилишни яхшилашга доир аниқ мақсадли ҳаракатлар амалга оширилмоқда.



Фавқулодда ҳолатларга тайёр бўлиш

ЖССТ соғлиқни сақлаш соҳасида фавқулодда вазиятлар юз бериши мумкин бўлган ҳолатларда вилоят ва республика миқёсида мувофиқлаштириш механизмиларини ташкил этиш ва бундай вазиятларга тайёр бўлиш режаларини тузишда техник ёрдам бермоқда.







United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization

ЮНЕСКО



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1946 йилда ташкил этилган Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) БМТнинг асосий агентлиги хисобланади ва барчанинг билим олиши, маданиятни ривожлантириш, бутунжоҳон табиий ва маданий меросни асрар-авайлаш, шунингдек, илм-фан ҳамда коммуникация соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам бермоқда.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг вазифаси ахборот тарқатиш ва билим даражасини кенгайтириш, мазкур соҳалар бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, бу борада миллий салоҳиятни ривожлантириш орқали Ўзбекистонда таълим, фан ва маданият соҳасига техник кўмак кўрсатиш хисобланади.

ЮНЕСКО ГЛОБАЛЛАШУВ
АСРИДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ
ВА ИНСОН РИВОЖЛANIШИ
УЧУН ТАЪЛИМ, ФАН,
МАДАНИЯТ ҲАМДА
КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА
САМАРАЛИ ИШЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРМОҚДА.






ЮНЕСКО

Таълим барча учун

ЮНЕСКО 1996 йилдан бўён Ўзбекистон ҳукуматига таълим тизимини ислоҳ қилишда ёрдам бериб келмоқда. Бунда ЮНЕСКОнинг иштироки турли шаклларда намоён бўлмоқда. Улар институционал ҳамда инсон салоҳиятини кучайтириш, режалаштириш, бошқариш ва баҳолаш мақсадида Таълимни бошқаришнинг миллий ахборот тизимини жорий этиш, дарсликлар ҳамда ўкув дастурларини ишлаб чиқиш орқали таълим сифатини ошириш сингари йўналишларни ўз ичига олади. Бундан ташқари ЮНЕСКО минтақада таълимни ташкил этиш бўйича мулоқот ва бу борада илфор тажрибани оммалаштириш учун восита сифатида хизмат қилалигидан Марказий Осиё форумига кўмаклашиш орқали "Таълим барча учун" мақсадига эришиш борасида етакчи ўрин тутади.





Олий таълим

ЮНЕСКО Ўзбекистонда олий таълимни ислоҳ қилишда, талабалар ва илмий ходимлар билан академик алмасиши ҳамда тармоқларни ташкил этишга ёрдам бермоқда. Ўзбекистонлик кўплаб талаба ва профессорлар ўқиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун стипендиялар тақдим этиш бўйича халқаро дастурлардан фойдаланди. ЮНЕСКОнинг мамлакатдаги йирик университетларда ташкил этилган тўққизта кафедра ва миллӣ қўмиталари бунинг ёрқин мисолидир. Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда жойлашган олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

ЮНЕСКО таълим орқали барқарор ривожланиш, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, инсон ҳуқуқлари, илм-фан ва техникани ривожлантириш, шунингдек, ОИВ/ОИТСга қарши кураш каби муҳим масалалар бўйича билимни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун янги ўқув услублари ва материалларини жорий этиш, ушбу масалаларда хабардорликни яхшилашга доир кампания ҳамда тадбирларни ташкил этиш каби кўплаб акциялар ўтказилмоқда. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО Бирлашган мактаблари лойиҳаси глобал тармоғига қўшилган 31 ўрта мактаби ушбу соҳани ривожлантиришда иштирок этиб, тажриба лойиҳаларини амалга оширмоқда.





ЮНЕСКО

ЮНЕСКО узлуксиз таълим яхши самара беришига ишонади ва унинг ёшлар ҳамда катталар, айниқса, ахолининг химояга муҳтоҳ қатламлари учун имкониятларини янада кенгайтириш тарафдори. Шунга мувоғик ЮНЕСКО маҳаллий ҳамжамиятларда ўқув марказлари ва малака ошириш марказларини ташкил этиш орқали инклюзив ҳамда норасмий таълимга фаол ёрдам бермоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 14та ана шундай марказ фаолият кўрсатмоқда. ЮНЕСКО мамлакатда Ижтимоий химоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда мазкур икки йўналишга эътиборни янада кучайтиради.



ЮНЕСКО томонидан кўллаб-кувватланаётган "Ипак йўли" радиосериалини яратиш лойиҳаси кўпчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни ҳал қилиш борасида норасмий таълимдан фойдаланишиниг яна бир намунаси ҳисобланади. Лойиха Марказий Осиёда кенг тарқалган анъанавий оғзаки ижодга асосланган бўлиб, тингловчилар кўнглини чоғ қиласидиган ва айни пайтда уларга кундалик ҳаёт муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган реал ҳаётдан олинган саҳналарни таклиф этади.



Ташкилот ўз фаолиятида гендер тенглиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари бу масалаларни ҳал этиш учун кичик дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг амалга оширилиши қишлоқ хотин-қизларига янги билим ва кўнкималарни ўзлаштиришда, шу тариқа ўзи севган касб бўйича фаолият юритиши ва фаровонлигини янада оширишда ёрдам бермоқда.






ЮНЕСКО



Маданият

БМТнинг бутунжаҳон табиий ва маданий меросини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш ваколатига эга ягона агентлиги ҳисобланган ЮНЕСКО келгуси авлодлар ҳам ушбу меросдан баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларни амалга оширимоқда. Шу боис Ўзбекистонга ўзининг бой моддий ва маънавий меросини асрраб-авайлашда фаол ёрдам бермоқда. Мамлакатда ЮНЕСКО ва Япониянинг ҳамкорликдаги маданий траст жамғармалари, Германиянинг катталар учун таълим ассоциацияси Халқаро ҳамкорлик институти (IIZ-DVV) ва бошқа халқаро ташкилотлар кўмагида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.





ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича конвенциясига мувофиқ Бойсун туманидаги тарихий жойлар ва ўзбек шошмақом санъати башарият оғзаки ва номоддий меросининг дурданалари, деб эълон қилинди.

Инсон цивилизациясининг энг қадимги туманларидан бири саналган Бойсунда зороастризм, будда ва ислом динлари таъсири остида яратилган кўплаб анъанавий маросимлар, куй ва оҳанглар, рақслар сақлаб қолинган. Айни пайтда ЮНЕСКО Ўзбекистонга Бойсун тумани анъанавий маданияти ва фольклори миллий рўйхатини ташкил этиш, бу бойликни келгусида ҳам асраб-авайлашга доир узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш ва ҳар йили ушбу маданиятга бағишланган фестивалларни ўтказишида ёрдам бермоқда.

Шунингдек, ЮНЕСКО шошмақомлар рақамли реестрини ташкил этиб, илмий тадқиқотлар, конференциялар ҳамда шошмақом ижрочилигига доир зарур анъанавий вокал ва чолгу кўнникмаларини ёш авлодга ўргатиш бўйича маҳорат мактабларини ташкил этган ҳолда ушбу санъатни асраб-авайлаш ишида фаол иштирок этмоқда.





ЮНЕСКО

Анъанавий сопол буюмлар тайёрлаш санъати Ўзбекистон но-
моддий меросининг қадимий турларидан бири ҳисобланади.
Бу борада "Самарқанднинг мовий сополи" лойихаси амалга
оширилмоқда, ЮНЕСКО маҳаллий кулолларга қадимий сопол
тайёрлаш услугуб ва кўнгилмаларини сақлаб қолиш ва ривож-
лантириш билан бир қаторда уларни янада такомиллаштириш-
да ёрдам бермоқда. Лойиха доирасидаги асосий ишлар Мар-
казий Осиёнинг анъанавий кулолчилиги реестрини шакллан-
тириш, кулоллар бирлашмаси, танлаб олинган аҳоли пункт-
ларида ўкув марказларини ташкил этиш, шунингдек, келажак
авлодларга сопол тайёрлаш-
нинг анъанавий кўнгилмаларини
етказиш стратегиясини ишлаб
чиқишини ўз ичига олади.





Маданий туризм

ЮНЕСКО учун табиий ва маданий ресурсларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ягона мақсад эмас, балки одамларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва янада яхшилашга ёрдамлашишдан иборатdir. "Қадимий Хоразмнинг олтин ҳалқаси" лойиҳаси ушбу ёндашувнинг қанчалик асосли эканлигидан яна бир далолатdir. Оролбўйига бағишилаб ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа мазкур худудда маданий ва экологик туризмни ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолининг хўжалик юритиш фаолиятини рағбатлантиришга каратилган. ЮНЕСКО мазкур лойиҳа ёрдамида сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, табиий бўёқлар ҳамда шифобахш ўсимликлардан фойдаланишига кўмаклашмокда.



Айни пайтда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси таркибиға кирадиган қадимги Хоразм худуди минглаб йиллик бой маданий тарихга эга. Бу ерда хойлашган минг ёшли қалъалар, Хива каби ўрта аср шаҳарлари, Султон бобо мақбараси каби мусулмонлар зиёрат қиласиган муқаддас қадамжолар, шунингдек, маҳаллий ҳалқ хунармандчилигига оид турфа хил йўналишлар йўловчи ва сайёхларни жалб қилиш учун катта аҳамиятга эгадир.



ЮНЕСКО маҳаллий ташкилотларга "Қадимий Хоразмнинг олтин ҳалқаси" янги сайёхлик йўналишини ва йўл кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, Хивада туризм бўйича ахборот марказини ташкил этишга оид ишларда ёрдам бермоқда. Хива, Нукус ва Мўйноқда Хоразм ва қорақалпок ҳалқ хунармандчилигини қўйта тикилаш ҳамда янги иш ўринларни яратиш бўйича ўкув марказлари ташкил этилди. Бу марказлар "Олтин ҳалқа" йўналиши бўйича сотиладиган тўқимачилик маҳсулотлари, гиламлар, рангбаранг кашталар билан безатилган сумкалар ишлаб чиқармоқда.





ЮНЕСКО

Фаёзтепа

ЮНЕСКО Ўзбекистонга археологик ёдгорликларни асраб-авайлашда ҳам ёрдам бермоқда. Термиз шахри ҳудудида жойлашган икки минг йиллик тарихга эга будда ибодатхонаси Фаёзтепа қолдиқлари ана шундай ёдгорликлар сирасига киради. Бу ерда сақланиб қолган ёдгорликлар қолдиқлари консервация қилинди, атрофидаги ҳудуд сайёхларни қабул қилиш учун ободонлаштирилди, янги ер ости ўтиш йўлаги, машиналар тўхташ жойи ва марказ барпо этилди. Марказда ноёб маданият ёдгорликлари, деворга ишланган нақшлар ва ҳайкаллар нусхаси, шунингдек, бошқа йирик археологик топилмалар қўйилди.







UNITED NATIONS
Office on Drugs and Crime

ЮНОДК

БМТ конвенциялари ва резолюцияларига мувофиқ БМТ Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНОДК) зиммасига аъзо давлатларга БМТнинг гиёхванд моддаларга, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш конвенцияларини адо этишда, шунингдек, жиноят адлиясини ислоҳ қилиш ва терроризмга қаршилик кўрсатишида ёрдам бериш вазифаси юкланган.

ЮНОДКнинг Марказий Осиёдаги миңтақавий ваколатхонаси беш Марказий Осиё давлатларига гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда, гиёхванд моддаларга бўлган талабнинг қисқартирилишида ҳамда терроризмнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликда қўмаклашади. Ушбу ваколатхона Тошкент шаҳрида, унинг бўлинмалири эса Бишкек (Қирғизистон), Душанбе (Тоҷикистон), Ашхобод (Туркманистон) ва Остона (Қозогистон) шаҳарларида жойлашган.



26 миллион кишидан зиёд аҳолиси бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич жойлашган мамлакат ҳисобланади ва миңтақада барқарорликни саклашда асосий ўрин тутади. ЮНОДК Ўзбекистонда 1993 йилдан гиёхванд моддаларнинг ноқонунний савдоси ва уларни истеъмол қилиш, уюшган жиноятчилик, коррупция ва терроризм, шунингдек, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги билан боғлиқ масалаларда миллий тузилмалар билан ҳамкорлик қилган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.





ЮНОДК

Гиёҳванд моддаларга талабнинг қисқартирилиши

Афғонистонда етиштириладиган героиннинг катта қисми транзит билан Марказий Осиё давлатлари орқали олиб ўтилади. ЮНОДК гиёҳванд моддалар транзитининг салбий оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистонга мадад бериш мақсадида гиёҳванд моддалар трафикининг олдини олиш самарадорлигини ошириш учун хукуқни муҳофаза қилиш органларининг имкониятларини кучайтириш, жумладан, чегара на孜оратини мустаҳкамлаш ишларида қатнашади. ЮНОДК мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш доирасида зарур бўлган асбоб-ускуналар тақдим этади ва Ўзбекистон халқаро ва ички гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши курашда дуч келаётган муммомларнинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда турли тоифадаги мутахассислар учун тренинглар ўтказади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон ва Афғонистонни бирлаштирувчи Ҳайратон "дўстлик кўприги"ни келтириш мумкин. Кўприк замон талабларига шундай мослаштирилган ва жиҳозланганки, у савдога хизмат қиласи, айни пайтда, гиёҳванд моддаларни ноқонуний ташиб ўтилишига йўл қўймайди.

ЮНОДК гиёҳванд моддаларга қарши кураш учун масъул миллий ташкилотларга гиёҳванд моддаларнинг файриконуний савдоси тўғрисида тезкор маълумотлар йигиб бериш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қиласи, шунингдек, мамлакатнинг минтақавий ахборот йигиши ва тарқатиш маркази билан уланишига ёрдам беради. Ушбу лойиҳа минтақада ҳамкорликни ривожлантириш ва ноқонуний гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш имкониятларини ошириш мақсадига йўналтирилган.





Гиёхванд моддаларга талабни қисқартириш ва ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш

Ўзбекистон транзит мамлакат сифатида Афғонистондан ноқонуний йўл билан келтирилган кўнкори моддалари савдоси билан бир қаторда гиёхванд моддаларнинг истеъмол қилиниши муаммосига ҳам дуч келаётir, бу эса, ўз навбатида, ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига имконият яратади.

Гиёхванд моддаларнинг истеъмол қилиниши муаммосини ҳал этиш ва ОИВ/ОИТСга қарши курашда ЮНОДК турли тоифадаги тибиёт ходимларининг касбий салоҳиятларини ошириш бўйича дастурлар ташаббускори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу дастур мижозларга гиёхванд моддаларни инъекция йўли билан қабул қилувчилар ўртасида тарқалувчи ОИВ ва бошқа инфекцияларнинг олдини олиш ва гиёхвандликни даволаш юзасидан кенг хизмат соҳаларини тақдим этиш борасида таълим беришни ўз ичига олади.



ЮНОДК, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига гиёхвандликнинг салбий оқибатлари ҳамда ОИВ/ОИТСнинг хавфлилиги тўғрисида ахборот ва таълим материалларини ишлаб чиқиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлигини ошириш юзасидан тадбирлар ташкил этишда ёрдам кўрсатади.




ЮНОДК

Хуқуқий соҳадаги ёрдам

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш самарали хуқуқий ва институционал асосни талаб этади.

Ушбу мақсадда ЮНОДК қонунчиликни такомиллаштириш ва уни БМТнинг гиёхванд моддаларни назорат қилиш, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш конвенцияларига мувофик ҳолга келтириш юзасидан маслаҳат кўмагини беради. БМТ гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси гиёхвандлик ва ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш ва даволаш стратегиясини; гиёхванд моддаларнинг қонунга хилоф равишдаги савдоси ва ноконуний пулни қонуниллаштиришининг олдини олиш ҳақидағи қонунларни; юқорида кўрсатиб ўтилган соҳаларда экстрадиция ва халқаро хуқуқий ҳамкорликни такомиллаштирилишини кўллаб-куватлади. Шунингдек, ЮНОДК Ўзбекистонга терроризмга қарши хуқуқий тартиботни мустажкамлашда, асосан, БМТнинг тегишли конвенциялари ва протоколларини ратификациялаш ҳамда уларга амал қилишда кўмаклашиш ҳамда жиноят аддияси хизматчилари ва қонун яратиш фаолиятида иштирок этувчи хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўқитиши ташкил этиш йўли билан ёрдам беради.

Хуқуқбузарлик ва ноқонуний одам савдосининг олдини олиш



Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида ЮНОДК Ўзбекистон учун ноконуний одам савдоси муаммоси юзасидан икки йиллик лойиҳа ишлаб чиқди. Лойиҳа муаммонинг хуқуқий жабҳасига асосий эътиборни қаратади ва ўз олдига юридик, хуқуқни муҳофаза қилувчи муассасаларнинг ноконуний одам савдосига йўл қўймаслик ва унга қарши курашдаги имкониятларини ошириш мақсадини қўяди. У Ўзбекистонга мазкур соҳада миллий қонунчиликни халқаро хуқуқий меъёрлар билан уйғунлаштиришда ёрдам бериш, шунингдек, мамлакатнинг ҳар бир минтақасидаги хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда бу борада таълимни ташкил этиш ва маълумот манбаларини кенгайтиришга йўналтирилган.

ЮНОДК лойиҳалари қатор мамлакатлар ва донон ташкилотлар, жумладан, нефти экспорт килувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК), "НАТО-Россия" кенгаши ва Европа Комиссияси томонидан молиялаштирилади.





UNAIDS
JOINT UNITED NATIONS PROGRAMME ON HIV/AIDS

UNHCR
UNICEF
WFP
UNDP
UNFPA

UNODC
ILO
UNESCO
WHO
WORLD BANK

ЮНЭЙДС

БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича кўшма дастури (ЮНЭЙДС) БМТнинг ўнта агентлиги - ЮНИСЕФ, WFP, БМТРД, UNFPA, ЮНОДК, XMT, ЮНЕСКО, ЖССТ, UNHCR ва Жаҳон банкининг ОИВ-инфекциясининг глобал миқёсда олдини олиш борасидаги саъй-харакатлари ва ресурсларини мувофиқлаштиради.

ЮНЭЙДС дунёнинг 75 мамлакатида фаолият кўрсатмоқда. У мамлакат даражасида ҳамкор ҳомийларнинг ОИВ-инфекциясининг олдини олиш бўйича миллий чора-тадбирларни қўллаб-кувватлашга қаратилган биргаликдаги саъй-харакатини ўзида мужассам этади. Шунингдек, ЮНЭЙДС БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича тематик гурухи - ҳамкор ҳомийлар ва БМТнинг бошқа агентликларининг ОИВ-инфекциясининг олдини олиш борасида стратегик қарорлар қабул қилишга жавобгар кўшма органини қўллаб-кувватлашини таъминлаш борасида ҳам иш юритмоқда.



ЮНЭЙДС хатти-харакатлари давлат, хусусий ва жамоатчилик ҳамкор бирлашмаларни ривожлантириш, ОИВ/ОИТС билан боғлиқ масалаларга доир стратегик ахборотни бошқариши кучайтириш каби ОИВ-инфекциясининг хавфига мос жавоб қайтариш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишда миллий тузилмалар имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Бундан ташқари ЮНЭЙДС жойларда миллий миқёсда бу борада амалга оширилаётган ишларни баҳолаш ва унинг мониторингини кучайтириш, мамлакатларнинг мавжуд техник ҳамда молиявий ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш борасида ҳам иш юритмоқда.

ЮНЭЙДС миллий ҳаракат чораларини қўллаб-кувватлашган ҳолда, 2005 йилда Тошкентда Ўзбекистон ҳамда Тажикистон учун ўзининг минтақавий ваколатхонасини очди.





ЮНЭЙДС

ОИВ-инфекциясининг олдини
олиш стратегияси

ЮНЭЙДС Ўзбекистонга 2003-2006 йилларда мамлакат-да ОИВ-инфекциясининг эпидемияси тарқалишига қарши ҳаракат стратегия дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириша, 2007-2011 йилларга мўлжалланган янги дастурни тайёрлашда ёрдам берди. Шунингдек, ЮНЭЙДС мамлакатнинг ОИТС, сил ва беззакка қарши кураш бўйича глобал жамғармага талабномасини расмийлаштиришга ҳам кўмаклашди. 2004 йилда Ўзбекистон Глобал жамғармадан 24,5 миллион АҚШ доллари микдорида грант олди. Бу ресурслар мамлакатда ахолининг ҳимояга муҳтож қатламлари орасида касалланишини камайтириш орқали ОИВ-инфекциясининг тарқалишининг олдини олиш учун ахратилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиригининг ОИТС маркази мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи этиб тайинланди.





Ҳамжамиятлар даражасидаги саъй-харакатлар

ЮНЭЙДС Ўзбекистонда миллий даражада ОИВ-инфекциясининг олдини олиш бўйича ҳокимлар альянсини ташкил этишини таклиф қилди. 2006 йилда ЮНЭЙДС томонидан молияланадиган янги лойихани амалга ошириш бошланди. Лойиҳа маҳаллий ҳокимиёт органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида уларнинг ОИТСнинг олдини олиш борасидаги биргаликдаги саъй-харакатида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу борада ОИВ-инфекциясини юқтирган одамларни мазкур ишга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.





ЮНЭЙДС

ОИВ-инфекциясини юқтирган одамларга ёрдам бериш

ЮНЭЙДС Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясини юқтирган одамларни бирлаштирган биринчى нодавлат ташкилотини ташкил этишга күмаклашди. Айни пайтда ЮНЭЙДС бундай одамлар учун нодавлат нотижорат ташкилотлар тармогини шакллантириш ва мустаҳкамлашда ёрдам бермокда. Бу ОИВ-инфекциясининг олдини олиш, унга чалинган одамларни даволаш, парвариш қилиш ва ёрдам кўрсатишдан умумий фойдаланиш тамоилини ҳаётга жорий этишда муҳим қадам бўлади.

Янги дастурлар


Бугунги кунда ЮНЭЙДС ўз фаолиятини ОИВ/ОИТС билан боғлиқ барча хизматлардан умумий фойдаланишини таъминлаш режасини амалга ошириш, ҳамкорликни миллий даражада кенгайтириш, ОИВ-инфекциясини юқтирган одамлар тармогини қўллаб-кувватлаш, шунингдек, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича агентликларининг бирлашган жамоасини мустаҳкамлашга ёрдам беришга қаратмоқда.

ЮНЭЙДС БМТ агентликларининг янги кўшма лойиҳасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу лойиҳанинг мақсади ОИВ тарқалиш хавфининг олдини олиш бўйича миллий чора-тадбирларни амалга оширишда бу иллатни юқтирган одамларнинг ҳам иштирокини кенгайтиришдан иборат.

ОИВ-инфекциясини юқтирган одамлар жамоаси институционал ҳамда профессионал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган мазкур лойиҳа 2007 йилда БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича тематик гурӯҳи ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида тармок аъзоларига ОИВ/ОИТС дастурлари бўйича БМТ агентликларида тажриба ортириш имкониятини яратиш режалаштирилмоқда. Бу эса БМТ ва ушбу нодавлат ташкилот ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Лойиҳа ОИВ-инфекциясини юқтирган одамларга профилактика чораларида ўз билим ва тажрибасини қўллаш орқали ушбу иллат тарқалишининг олдини олиш борасида катта хисса қўшишига ёрдам берishiidan умид қилинмоқда.







Мингийиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамжиҳат ҳамкорлик


Мингийиллик ривожланиш мақсадлари (MPM) дунёнинг етакчи мамлакатлари кашшоқлик даражасини пасайтириш ва одамлар фаровонлигини ошириш бўйича энг муҳим масалаларни ўзаро келишиб олишини тақозо этадиган ўзига хос қарорлардир. Бу ривожланишнинг аниқ муддат, вазифа ва кўрсаткичларга эга бир-бiri билан ўзаро боғлиқ саккизта мақсади бўлиб, улар ёрдамида ушбу мақсадларга нечоғлик эришилганини аниклаш мумкин. MPM жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини одамлар ҳаётида баҳолаш мумкин бўлган муайян ўзаришларга эришишга йўналтиради ва қўлга киритилган натижаларни баҳолаш мезонларини белгилаб беради.

БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари гурухи мамлакат ҳукуматига Мингийиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги мажбуриятларни бажаришда ёрдам бермоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари Мингийиллик декларацияси қабул қилингандан буён MPMни мамлакат учун ишлаб чиқилган БМТнинг ривожланишга кўмаклашиш бўйича муваққат дастурига, шунингдек, ўзларининг дастур ва стратегияларига муваффақиятли интеграциялаштириди.



**"МИНГИЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ
МАҚСАДЛАРИ БИЗНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАК
БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА БОЙ ВА ҚАШШОҚ
МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК
ИТТИФОҚИНИ БИРГАЛИКДА ТАШКИЛ
ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН
ҚАРАШЛАРИМИЗДАН ИБОРАТДИР. ЖОРӢ
ЙИЛ УШБУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШГА
ДОИР САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ УЧУН ҲАЛ
ҚИЛУВЧИ ЙИЛ ҲИСОБЛАНАДИ. НЕГАКИ, БУ
ЙИЛ 2015 ЙИЛГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ДАВРНИНГ ЎРТАСИДИР".**

**Пан Ги Мун,
БМТ Бош котиби**



МРМ Ўзбекистонда

БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари гуруҳи Ўзбекистон ҳукумати, донор ташкилотлар ва фуқаролик жамияти ўртасида миллий МРМ ҳамда вазифаларни ишлаб чиқиши масаласида кўмаклашмоқда. Бу ҳаракатлар натижасида саккизда долзарб мақсад миллий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда мослаштирилди ва аниқ вазифа ҳамда асосий кўрсаткичлар билан бирга қабул қилинди. Миллий ривожланиш мақсадлари, жумладан, турмуш дарражасини ва бошлангич ҳамда ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш, эркаклар ва хотинқизлар тенглигини рагбатлантириш, барқарор атрофмухитни таъминлаш каби мақсадларни ўз ичига олган. 2006 йилда БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари гуруҳи мамлакат ҳукумати билан яқин ҳамкорликда Мингийллик ривожланиш мақсадлари бўйича биринчи миллий маъruzani чоп этди. Унда ҳар бир миллий мақсаднинг ижроси батафсил шарҳланган.




Ҳамкорлик самарадорлигини ошириш

2004 йили БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари гурху БМТнинг ривожланишга кўмаклашиб бўйича муваққат дастурини (ЮНДАФ) ишлаб чиқди. Бу дастур Ўзбекистонга 2005-2009 йилларда ривожланиш масалаларини ҳал этишда техник ёрдам бериш стратегиясини ўз ичига олган. ЮНДАФ МРМ ва ривожланишнинг миллий устувор вазифаларига асосланган бўлиб, БМТ, Ўзбекистон ҳукумати ва фуқаролик жамияти учун устувор вазифаларни белгилайди, уларни БМТ агентликлари айрим дастурларининг ижроси билан бевосита узвийлаштиради. Ушбу умумий стратегия БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари гурухига дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун биргаликдаги имкониятларни аниқлаш, шу тариқа БМТнинг ривожланиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини имкон қадар ошириш ҳамда сезиларли натижаларга эришишда ёрдам беради.



Мазкур стратегияни амалга оширишга кўмаклашиб мақсадида ОИВ/ОИТС, турмуш, таълим ва соғлиқни сақлаш дараҷасини ошириш масалалари бўйича фаолият юритадиган БМТ гурухлари таъсис этилди.






Мамлакат аҳолисини МРМга оид ҳабардорлигини ошириш

БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари гурухи юқорида қайд этилган ташаббусларга мувофиқ мамлакатда МРМни оммалаштириш ва илгари суришга қаратилган ҳамкорликдаги ишларни амалга оширмоқда. Аҳоли турли қатламларининг МРМ ҳақидаги ҳабардорлигини ошириш ушбу мавзу бўйича умуммиллий кампанияниг ажралмас қисмини ташкил этади. Ривожланиш мақсадларини тарғиб қилиш, ушбу максадларга эришишда ҳукумат ва БМТ амалга ошираётган ишларни ёритишга республика оммавий ахборот воситалари ҳам фаол жалб қилинмоқда. Масалан, миллий ва маҳаллий дараражада қарорлар қабул қиласиган шахслар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва академик доиралар вакиллари учун МРМнинг мазмун-моҳиятини ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунишишга оид қатор тадбирлар ўтказилди.

БМТнинг кўшма дастури доирасида ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўмагида миллий механизм ташкил этилди. Ушбу механизм ишида МРМ тўғрисида ахборот тарқатадиган 10 минг нафар маҳалла фаоли иштирок этмоқда.





Ёшлар Мингийиллик ривожланиш мақсадларини тарғиб килишда катта куч саналади. Уларнинг ривожланишнинг глобал ва миллий мақсадлари хусусидаги билимни тарқатишдаги иштироки, шунингдек, Ўзбекистонда МРМни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиши айниқса мухимдир.

БМТнинг Ўзбекистондаги агентлеклари гурӯҳи биргаликда ёшларнинг ривожланиш масалаларидағи тушунчасини чуқурлаштириш мақсадида МРМ бўйича талабаларнинг қатор йирик конференцияларини ташкил этди. Талабаларнинг ўзлари ҳам ушбу ишга ҳиссасини қўшиш имконига эга бўлди. Улар кичик лойиҳалар устида ишлашни бошлади. Чунончи улар университетларда "Экология бурчаклари"ни ва ўз тенгқурлари учун МРМ мавзуси бўйича семинарлар ташкил этди. Ёшлар шизоати, уларнинг инновация foяларидан илхомланган БМТнинг Ўзбекистондаги агентлеклари "Ёшлар саъйхаракати - ривожланиш мақсадлари йўлида" лойиҳасини қўллаб-кувватлашга тайёр.

2006 йили ўзбекистонлик бир неча нафар талаба Олматада минтақавий ёшлар оромгоҳи ишида иштирок этди. Бундан ташқари БМТнинг Ўзбекистондаги агентлеклари гурӯҳи иккита ёш етакчини БМТнинг ёшлар етакчилиги масалалари бўйича биринчи саммитида иштирок этиш учун танлаб олди. Саммит ташкилотнинг Нью-Йорқдаги қароргоҳида бўлиб ўтди ва "МРМга спорт ва маданият орқали эришиш" мавзусига бағишлианди.





Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 4-уй

Тел.: (+99871) 1203450, 1206167

Факс: (+99871) 1203485

Электрон почта манзили: registry.uz@undp.org

<http://www.un.uz>



Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 4-уй

Тел.: (+99871) 1203450

Факс: (+99871) 1203485

Электрон почта манзили: registry.uz@undp.org

<http://www.undp.uz>



Ўзбекистон, 100090, Тошкент шаҳри, М.Таробий кўчаси, 14-уй

Тел.: (+99871) 1206899

Факс: (+99871) 1206897

Электрон почта манзили: fazlitdinov@unfpa.org

<http://www.unfpa.org>



Ўзбекистон, 100017, Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 43-уй

Тел.: (+99871) 1339735

Факс: (+99871) 1206508

Электрон почта манзили: tashkent@unicef.org

<http://www.unicef.org/uzbekistan>



Ўзбекистон, 1000100, Тошкент шаҳри, М.Таробий кўчаси, 16-уй

Тел.: (+99871) 3615172

Факс: (+99871) 3615178

Электрон почта манзили: office@who.uz

<http://www.euro.who.int>



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization

Ўзбекистон, 100100, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 95-уй

Тел.: (+99871) 1207116

Факс: (+99871) 1321382

Электрон почта манзили: office@unesco.org.uz

<http://www.unesco.org.uz>



UNITED NATIONS
Office on Drugs and Crime

Ўзбекистон, 100100, Тошкент шаҳри, А.Каҳҳор кўчаси, 30 "а" уй

Тел.: (+99871) 1208050

Факс: (+99871) 1206290

Электрон почта манзили: unodc.roca@unodc.org

<http://www.unodc.org/uzbekistan>



UNAIDS
JOINT UNITED NATIONS PROGRAMME ON HIV/AIDS

UNHCR
UNODC
UNICEF
ILO
WFP
UNDP
UNESCO
WHO
WORLD BANK

"Инконель" бизнес маркази

Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳри, А.Пушкин кўчаси, 75-уй, 3-қават

Тел./факс: (+99871) 1203082, 1203083

Электрон почта манзили: aziz.khudoberdiev@undp.org

<http://www.unaids.org>

СУРАТЛАР

Мукова (чапдан ўнгга): А.Усова, ЮНИСЕФ суратлари, ЮНЕСКО суратлари/О.Арапова, С.Лукашевич, UNFPA суратлари, ЮНЕСКО суратлари, БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари.

Муқованинг орқа томони: БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари, М.Астон, Л.Кошелапова, С.Курбонов, БМТ суратлари, ЮНЕСКО суратлари.

4-бет: БМТ суратлари, ЮНИСЕФ суратлари, А.Жумаев, А.Усова, ЮНЕСКО суратлари, С.Абатуров, ЮНОДК суратлари; 5-8-бетлар: БМТ суратлари; 9-бет: П.Атанасов, БМТ/А.Рахимбоев суратлари, А.Антонов; 10-11-бетлар: БМТ суратлари; 12-бет: С.Лукашевич; 13-бет: А.Жумаев, Л.Кошелапова, С.Лукашевич, Л.Кудрейко; 14-бет: БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари; 16-бет: БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари; БМТРД суратлари, В.Ботц; 17-бет: С.Абатуров, БМТРД суратлари; 18-бет: А.Жумаев; 19-бет: А.Усова; 20-бет: БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари; 21-бет: ЮНИСЕФ суратлари; 22-бет: БМТ суратлари/К.Минайченко, В.Шивалдова; 23-бет: С.Курбонов, А.Ахмедов, UNFPA суратлари; 24-бет: Р.Шагаев, БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари; 25-бет: UNFPA суратлари; 26-28-бетлар: ЮНИСЕФ суратлари; 29-бет: М.Астон; 30-бет: ЮНИСЕФ суратлари; 31-бет: БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари, С.Абатуров; 32-бет: ЮНИСЕФ суратлари, БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари; 33-бет: ЮНИСЕФ суратлари; 34-бет: Р.Шагаев; 35-бет: ЮНИСЕФ суратлари; 36-бет: А.Усова, БМТРД суратлари; 37-бет: В.Ким, БМТ суратлари/А.Рахимбоев; 38-бет: С.Үрманов, В.Ким, А.Усова; 39-бет: БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари, М.Головачев, С.Абатуров; 40-бет: БМТ суратлари/С.Берменьев; 41-42-бетлар: ЮНЕСКО суратлари; 43-бет: С.Абатуров, ЮНЕСКО суратлари; 44-бет: БМТ суратлари/А.Рахимбоев, ЮНЕСКО суратлари; 45-46-бетлар: ЮНЕСКО суратлари; 47-бет: ЮНЕСКО суратлари/А.Арапов; 48-бет: ЮНЕСКО суратлари, О.Арапова; 49-бет: ЮНЕСКО суратлари; 50-бет: ЮНЕСКО суратлари, А.Рахимов; 51-бет: ЮНЕСКО суратлари/И.Шантефор, А.Каразас, ЮНЕСКО суратлари; 52-54-бетлар: ЮНОДК суратлари/А.Рахимбоев; 55-57-бетлар: ЮНОДК суратлари; 58-бет: С.Абатуров; 59-бет: ЮНЭЙДС суратлари; 60-бет: А.Усова; 61-62-бетлар: ЮНЭЙДС суратлари, С.Абатуров; 63-бет: ЮНЭЙДС суратлари, С.Абатуров; 64-бет: Ж.Мусакулов; 65-бет: А.Ёкубов; 66-бет: БМТ суратлари/А.Рахимбоев; 67-бет: БМТРД/ЕИ/М.Моде суратлари, ЮНИСЕФ суратлари, Н.Жўраев; 68-69-бетлар: БМТРД/БМТ.

МИННАТДОРЛИК

Ушбу нашрда "Ўзбекистонда Мингийиллик ривожланиш мақсадлари", "Жаҳон атроф-мухитни муҳофаза килиш куни - 2006", "Оби ҳаёт", "Ўзбекистон - Марказий Осиёнинг юраги", "Мехр-муҳаббат ва бағрикенглик билан" фототанловларига тақдим этилган қатор суратлардан фойдаланилди. Мазкур фототанловлар Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент фото уйи, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Экономическое обозрение" журнали, ГФРнинг Ўзбекистондаги элчинонаси, Гёте номидаги институт, Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти (GTZ), Теодор Хойсс номидаги коллеж ва Конрад Аденеузр жамғармаси ва колатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган эди.

mega

Basim Yayin San. ve Tic. A.Ş.

Mega Basim
босмахонасида чоп этилган

